

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАНОВ МУРАТБАЙ АРЕПБАЕВИЧ

**ЯШАШ МУҲИТИНИНГ АНТРОПОГЕН ТРАНСФОРМАЦИЯСИ
ШАРОИТИДА ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ УМУРТҚАЛИ
ҲАЙВОНЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Жуманов Муратбай Арепбаевич Яшаш мухитининг антропоген трансформацияси шароитида Жанубий Оролбўйи умуртқали ҳайвонлари	3
Жуманов Муратбай Арепбаевич Позвоночные животные Южного Приаралья в условиях антропогенной трансформации среды их обитания	23
Jumanov Muratbay Arepbaevich Vertebrate animals of Southern Aral Sea in conditions of anthropogenic transformation of their habitat	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАНОВ МУРАТБАЙ АРЕПБАЕВИЧ

**ЯШАШ МУҲИТИНИНГ АНТРОПОГЕН ТРАНСФОРМАЦИЯСИ
ШАРОИТИДА ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ УМУРТҚАЛИ
ҲАЙВОНЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/B14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.flora-fauna.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шерназаров Элмурод

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пазилов Абдуваит

биология фанлари доктори

Холбоев Фахриддин Рахмонқулович

биология фанлари доктори, профессор

Жабборов Абдурашид Райимович

биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «30» октябр куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б - уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (99871) 289-04-65, факс (99871) 262-79-38, E-mail: iz@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б - уй, Тел.: (99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2017 йил «16» октябр куни тарқатилди.
(2017 йил «16» октябрдаги 3 рақамли реестр баённомаси)

Д.А. Азимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
в.в.б., б.ф.д., профессор, академик

Г.С. Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (докторлик DSc диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон миқёсида экологик мувозанатнинг глобал равишда ўзгаришининг биохилма-хилликнинг асосий компоненти бўлган ҳайвонот оламига салбий таъсири йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Айниқса, умуртқали ҳайвонлар гуруҳларига мансуб турлар таркибининг кескин камайиши ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи жиддий экологик инқирозларга олиб келмоқда. Шунга кўра, ҳозирда дунё миқёсида асосий эътибор экологик тизимлар деградацияси ва унинг оқибатлари натижасида умуртқали ҳайвонлар яшаш муҳити, турлар хилма-хиллигини сақлашга қаратилган. Бу эса умуртқали ҳайвонлар гуруҳларини табиий ва трансформацияланган муҳитларда муҳофаза қилиш тамойилларини такомиллаштириш, овланадиган умуртқалилар имкониятларидан иқтисодиёт тармоқларида самарали ва оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида Орол ҳудуди биохилма-хиллигини сақлаш ва биоресурсларини муҳофазалаш бўйича муайян натижаларга эришилди. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда ҳудуднинг антропоген трансформацияси шароитларига сезгир бўлган умуртқали ҳайвонлар ва уларни экотизимларда тарқалишини аниқлаш борасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясидаги¹ «глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи халокатининг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар» асосида Жанубий Оролбўйи ер усти умуртқали ҳайвонлари тур хилма-хиллигини инвентаризациялаш, уларни турли экотизимларга мослашиш хусусиятларини аниқлаш ва кам учрайдиган ҳамда йўқолиб кетиш хавфи бўлган умуртқалилар турларини сақлаб қолиш борасидаги илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда содир бўлаётган экологик инқирозлар, биринчи навбатда, яшаш муҳитининг антропоген трансформацияланишида намоён бўлмоқдаки, бу аввало умуртқали ҳайвонларнинг экотизимларда тарқалиши, турлар таркиби, фаунасининг шаклланиши, табиий ва трансформацияланган муҳитларга мослашувида салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, республикамиз ва жаҳон миқёсида аср экологик фожиаси саналган Орол денгизининг қуриши ҳудуддаги экотизимларнинг кескин деградацияси ва биохилма-хиллигини пасайишига олиб келди. Бу ўринда, нафақат Орол бўйи ҳудуди, балки яна республикамизда ҳайвонот олами биохилма-хиллиги билан ажралиб турувчи Жанубий Оролбўйи ҳудудининг антропоген трансформацияси ундаги умуртқали ҳайвонлар сонининг кескин

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

қисқаришига, популяцияларини йўқолишига, шу билан биргаликда, кўпгина умуртқалиларни бундай шароитларга этологик ва экологик мослашув хусусиятлари намоён қилишига сабаб бўлди. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Жанубий Оролбўйи ҳудуди умуртқалилар комплексининг турлар хилма-хиллигини қиёсий инвентаризациялаш антропоген трансформация шароитларига уларнинг мослашиш жараёнларини тушунишга имкон беради. Шунга кўра, ҳудуддаги умуртқалилар комплексининг экотизимларда тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, судралиб юривчилар, қушлар ва сут эмизувчилар фаунасининг ҳолатини асослаш, уларнинг мослашув механизмларини исботлаш, ҳайвонлар хилма-хиллигини муҳофазалаш чоратадбирларини такомиллаштириш ва биоресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги 408-сон “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Қонуни, Вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 255-сон «Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, қайта тиклаш ҳамда Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2015-2018 йилларга мўлжалланган комплекс Дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Трансформацияланган яшаш муҳити шароитида умуртқали ҳайвонларнинг турлар хилма-хиллиги, фаунистик комплекслари ва экологиясига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Harvard (АҚШ), University of Guelph Ontario (Канада), Federal University of Lavras (Бразилия), University of Sydney (Австралия), Paul Sabatier University of Toulouse (Франция), Aristotle University of Thessaloniki (Греция), University of Hamilton (Янги Зеландия), Зоология институти (Россия), Москва давлат университетининг Биология факультети (Россия), Экология ва эволюция муаммолари институти (Россия), Зоология институтида (Ўзбекистон) да олиб

² Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, [researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

борилмоқда.

Антропоген трансформацияланган яшаш муҳитидаги умуртқали ҳайвонлар ва уларнинг мослашиш хусусиятларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: деградацияланган шароитларда судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчиларнинг турлар таркиби аниқланган (University of Harvard, АҚШ); турли антропоген ландшафтлардаги умуртқалиларнинг тарқалиши, сони ва мавсумий динамикаси очиб берилган (Federal University of Lavras, Бразилия); умуртқали ҳайвонларнинг ўзига хос ва хўжалик аҳамиятга эга муҳим турларининг табиий ва антропоген ландшафтлардаги уя қуриш биологияси ва экологияси аниқланган (University of Sydney, Австралия); трансформацияланган шароитларда умуртқалилар гуруҳларининг морфо-биологик хусусиятлари ва уларнинг экологик мослашув йўллари исботланган (Paul Sabatier University of Toulouse, Франция); айрим умуртқали ҳайвонларнинг хўжалик аҳамияти баҳоланган ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилган (Экология ва эволюция муаммолари институти, Россия).

Дунёда антропоген трансформацияланган шароитларда умуртқали ҳайвонлар алоҳида гуруҳларининг фауна комплекслари бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчиларнинг систематикасини такомиллаштириш; умуртқалиларнинг ўзаро филогенетик муносабатларини очиб бериш; турларнинг зоогеографик тарқалиш йўлларини аниқлаш; турларнинг морфологик белгиларини ва биологик-этологик хусусиятларини асослаш; умуртқалилар биоресурслардан оқилона фойдаланиш истиқболларини асослаш ва табиатни муҳофаза қилиш тармоқларига жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умуртқали ҳайвонларнинг барча синфларига мансуб гуруҳларининг сув ва қуруқлик экотизимларида тарқалиш хусусиятлари, фаунаси, эволюцион экологияси, биологияси, молекуляр генетикаси ва таксономиясига оид тадқиқотлар хорижлик олимлар (E. Pianka (1974); G. Corbet (1978); H. Heinzel et al. (1995); A. Peterson (2002); M. Osborne et al. (2005); J. Scanlan & J. Farrel (2005); J. William (2006); K. Schmidt et al. (2016)) томонидан олиб борилган. МДХ давлатларида умуртқалилар комплексининг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган. В. Соколов (1990) сут эмизувчиларнинг дунё фаунаси; В. Галушин ва бошқалар (1991) қушларнинг дунё фаунаси; С. Титов ва бошқалар (2016) сут эмизувчиларнинг генетик структурасининг ташкил топиши; Н. Ананьева (2012) судралиб юрувчиларнинг экологиясига доир илмий натижалар қайд этилган.

Республикамизда олиб борилган илмий изланишлар давомида чўл биоценозлари умуртқали ҳайвонларини ўрганиш бўйича Т. Зоҳидов; қушлар фаунаси ва экологик хусусиятлари бўйича Р. Мекленбуруев, Д. Кашкаров,

А. Сагитов, Э. Шерназаров, О. Митропольский, С. Бакаев, Ф. Холбоев; сут эмизувчиларнинг фаунистик комплекслари тарқалиши ва келиб чиқиши Г. Ишунин, Р. Реймов, М. Палуаниязов, А. Мамбетжумаев, Г. Асенов; судралиб юривчилар хилма-хиллиги, био-экологик хусусиятларини асослаш бўйича О. Богданов, О. Утемисов, Р. Тлеуовларнинг илмий тадқиқотларида қайд этилган. Бироқ бу тадқиқотлар инсоннинг хўжалик фаолияти орқали трансформацияланган яшаш муҳити шароитида умуртқали ҳайвон турларининг таркибий ўзгариши, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича батафсил маълумотларни бера олмайди. Бу ўринда, Шимоли-ғарбий Қизилқум, Устюрт ва қуйи Амударё ҳудудлари антропоген трансформацияланган шароитининг ҳозирги ҳолатини умуртқали ҳайвонларнинг яшаш муҳити сифатида тадқиқ этиш, ер усти умуртқали ҳайвонлари тур хилма-хиллигини – судралиб юривчилар, қушлар ва сут эмизувчиларни инвентаризация қилиш, кўп сонли оммавий турларнинг кўпайиш биопотенциалига экологик инқироз таъсирини аниқлаш, биоресурслардан оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-02 «Орол денгизининг қуриган тубида экилган саксовулзордаги қушлар биохилма-хиллиги» (2012-2013) ва Royal Haskoning Nederland BV ташкилотининг «Дренаж ва ирригация инфратузилмасини реконструкция қилиш ва ветландларни қайта тиклаш» (2006-2010) мавзусидаги амалий ва халқаро лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйи турли экотизимларидаги ер усти умуртқалилар биохилма-хиллигининг миқдор ва сифат таркибини инвентаризация қилиш ҳамда антропоген трансформацияланган яшаш муҳит шароитларига экологик мослашувини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шимоли-ғарбий Қизилқум, Устюрт ва қуйи Амударё ҳудудлари экологик шароитининг ҳозирги ҳолатини умуртқали ҳайвонларнинг яшаш муҳити сифатида тадқиқ этиш;

Жанубий Оролбўйи ер усти умуртқали ҳайвонлари тур хилма-хиллигини – судралиб юривчилар, қушлар ва сут эмизувчиларнинг инвентаризациясини ўтказиш;

Жанубий Оролбўйи шароитида кўп сонли оммавий айрим турларнинг кўпайиш биопотенциалига экологик инқироз таъсирини тадқиқ этиш;

ҳайвон турларининг кўп йиллик сонини ўзгаришига экологик омилларнинг таъсирини аниқлаш;

Судочье кўллар тизими шароитида фламинго *Phoenicopterus roseus* қушининг ривожланиш биологиясининг хусусиятларини тадқиқ этиш;

ер усти экотизимида кам учрайдиган ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган умуртқалилар турларини сақлаб қолиш методлари ва йўлларини ишлаб

чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти Жанубий Оролбўйи турли экотизимларининг судралиб юрувчилари, қушлари ва сут эмизувчилари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети антропоген омиллар ва Орол экологик инқирози таъсиридаги Қизилқум, Устюрт текислиги ва қуйи Амударёнинг трансформацияланган ландшафтларидаги ер усти умуртқали ҳайвонот олами тур хилма-хиллигининг сифат ва миқдор ҳолати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда герпетологик, орнитологик, териологик, экологик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судралиб юрувчиларнинг 33, қушларнинг 317 ва сут эмизувчиларнинг 67 туридан таркиб топган Жанубий Оролбўйи умуртқали ҳайвонларининг замонавий тур хилма-хиллиги аниқланган;

илк маротаба Қизилқум, Устюрт, қуйи Амударё худудларидаги ҳайвон гуруҳларининг миқдор индекси аниқланган ҳамда Жанубий Орол экологик инқирози яшаш муҳити шароитига мослашуви исботланган;

Ўзбекистонда Судочье кўллар тизимида фламинго *Phoenicopterus roseus*нинг уя қурувчи катта колонияси ва уларнинг ривожланиш биологияси хусусиятлари аниқланган;

илк бор Орол денгизининг қуриган тубида экилган саксовулзорлар орнитофаунасининг шаклланиши очиб берилган;

Орол денгизи қуришининг умуртқалилар тур хилма-хиллигининг қисқариши, генофонднинг кучсизланиши, оммавий ҳайвон турларининг кўп йиллик сон циклининг бузилишига таъсири исботланган;

экологик инқирознинг турли даврларида Қизилқум ва Устюртдаги майда сут эмизувчиларнинг полиэстрал турларида серпуштликнинг пасайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қушлар ва сут эмизувчилар хилма-хиллигини сақлаш, айрим гуруҳларни овлаш бўйича, миллий ва халқаро савдосини тартибга солиш чора-тадбирлар мажмуаси яратилган ва табиатни муҳофаза қилиш, ўрмончилик ташкилотларига жорий этилган;

кемирувчиларнинг айрим турлари ҳавfli касалликлар резерванти сифатида аниқланган ва уларнинг популяциясини бошқариш (чегаралаш) чоралари соғлиқни сақлаш ташкилотларига ҳавfli касалликларни олдини олиш мақсадида тавсия қилинган;

яшаш муҳитининг антропоген трансформацияланган шароитида Жанубий Оролбўйи фаунистик комплексларида камёб ва йўқолиб бораётган умуртқали ҳайвон турларини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган классик, зоологик ҳамда экологик методлар ва илмий ёндошувларни қўллаш асосида; олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг

етақчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижалари ваколатли давлат тузулмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яшаш муҳитининг антропоген трансформацияланган шароитида умуртқали ҳайвон турлар таркибини аниқланганлиги, ўзгарувчанлигини очиб берилганлиги, доминант ҳайвон турлари биологияси ва экологияси асосида Жанубий Оролбўйи судралиб юривчилари, қушлар ва сут эмизувчилари фаунасининг шаклланиши ва тарқалишини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар Жанубий Оролбўйи биоресурсларидан рационал фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишда, умуртқали ҳайвон турларининг, жумладан, камёб ва йўқолиб кетаётган турларнинг давлат кадастрини тузишда, антропоген шароитларда уларни сақлаб қолиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яшаш муҳитининг антропоген трансформацияси шароитида Жанубий Оролбўйи умуртқали ҳайвонлари юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

камёб ва йўқолиб бораётган умуртқали ҳайвон турларини сақлаб қолиш бўйича олинган натижалар табиатни муҳофаза қилиш амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 17 июндаги IX-01/12-1084-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 5 июлдаги 03/11-1590-сон маълумотномалари). Илмий натижалар Жанубий Оролбўйи минтақасидаги умуртқали ҳайвон турлари хилма-хиллигини аниқлаш ҳамда овладиган, камёб ва йўқолиб кетаётган турларнинг давлат кадастрини тузиш имконини берган;

ўрмон фонди ерларида яшайдиган овладиган ҳайвонларнинг бош сонини аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича натижалар ўрмон хўжаликлари фаолиятига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2017 йил 14 июлдаги 133-сон маълумотномаси). Илмий натижалар хўжалик ҳудудларида оммавий овладиган ҳайвонлар (ёввойи чўчка, бўри, чиябўри, тулки, қушлардан ёввойи ғоз, ўрдак ва қашқалдоқ) бош сонини турғун сақлаб қолиш имконини берган;

инсонларда ўта хавfli юқумли касалликларни тарқатадиган кемирувчиларга мансуб турларнинг сонини бошқариш йўллари соғлиқни сақлаш фаолиятига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 18 июлдаги 01/278-сон маълумотномаси). Натижалар кемирувчиларнинг популяциялар сонини бошқариш ва хавfli юқумли касалликлар бўйича эпидемик ҳолатнинг барқарорлигини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот

натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 178 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланади, объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республикаимиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.

Диссертациянинг **«Жанубий Оролбўйи қуруқлик умуртқали ҳайвонларини ўрганишнинг экологик асослари»** номли биринчи бобида ҳудуддаги қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонлар фаунасининг комплекс таҳлил натижаларига асосланган маълумотлар акс этган.

Биринчи бўлим тадқиқ этилаётган туманларнинг ландшафтли-экологик ҳолатининг тавсифига бағишланган. Унда бетакрор табиий комплексли Жанубий Оролбўйи йирик ҳудудларининг ҳозирги экологик ҳолатлари, унга мослашган қуруқлик умуртқали ҳайвонлар фаунаси ёритиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи бўлими «Тадқиқот материаллари ва усуллари» да материалларни йиғиш, дала ва эксперимент тадқиқотларини ўтказишнинг методик ёндашуви баён қилинган. Тадқиқот умуртқали ҳайвонларни нуқтали ва маршрутли санашдан фойдаланган ҳолда стандарт методикалар асосида олиб борилди. Унда зоологик ва экологик тадқиқотларнинг умум қабул қилинган методикаларидан фойдаланилди. Йилнинг барча мавсумларида қуруқлик умуртқали ҳайвонлар фаунасининг сифат ва миқдор таркиблари аниқланди. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Biostat – 3.8 (biostatsoft.com) дастури ёрдамида бажарилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Жанубий Оролбўйи қуруқлик умуртқалиларининг ҳозирги таркиби, миқдори ва ландшафтлар бўйлаб тарқалиши»** да ўрганилган ҳудудлар ландшафтларидаги судралиб юривчилар, қушлар ва сут эмизувчиларнинг тарқалиши, миқдори ва тур таркиби берилган. 33 турдан таркиб топган судралиб юривчилар фаунаси

икки туркум Testudines ва Squamata вакиллари эканлиги аниқланди. Биринчи туркум бир тур билан тақдим этилди - Ўрта Осиё тошбақаси *Testudio horsfieldi* (Gray, 1844), иккинчиси 32 тур билан берилган (1-расм).

Кенжа туркум	Оила	Турлар сони
Cryptodira	Testudinidae	1
	Agamidae	8
Squamata	Gekonidae	5
	Lassertidae	6
	Scincidae	1
	Varanidae	1
Serpentes	Colubridae	7
	Boidae	2
	Grotalidae	1
	Viperidae	1

1-расм. Жанубий Оролбўйи судралиб юривчилари гуруҳларининг тур ва таксономик хилма хиллиги

Оддий сонли судралиб юривчилар турларининг миқдори экотизимлар бўйича бир хил эмас. Шимолий-ғарбий Қизилқумда – 11, Устюртда – 8, қуйи Амударёда – 6 ни ташкил этиб, улар бу турларнинг турлича яшаш шароитига мослашиши билан боғлиқ. Ўрганилаётган экотизимлар қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган табиий–иқлимий шароитлар орқали бир-биридан ажралиб туради. Бу ҳақда судралиб юривчилар тур таркиби бўйича миқдор кўрсаткичлари гувоҳлик бериши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Жанубий Оролбўйи экотизимлари бўйича судралиб юривчилар тур таркибининг миқдор кўрсаткичлари

Худудлар	Миқдори	% да
Умумий турлар: барча экотизим учун	18	54,5
Қизилқум ва Устюрт учун	19	57,6
Қизилқум ва қуйи Амударё учун	22	66,7
Устюрт ва қуйи Амударё учун	21	63,6

Учта ҳудуд (Қизилқум, Устюрт, қуйи Амударё) судралиб юривчиларининг умумий фаунистик ўхшашлиги умумий турлар ҳисобидан баҳоланди. Бу эса бизнинг маълумотларимизга кўра шу ерда учрайдиган барча турлар умумий сонининг 18 турини (54,5%) ташкил этади. Ушбу ҳудудлар фаунасининг ўзаро зич филогенетик боғлиқ эканлиги ва бу ҳудудларда яшовчи судралиб юривчилар барча турлари фаунасининг ярмини ташкил этиши, уларнинг кенг тарқалиши ҳақида маълумот беради.

Қизилқум ва Устюрт 19 (57,6%) умумий турга, Қизилқум ва қуйи Амударё – 22 (66,7%), Устюрт ва қуйи Амударё – 21 (63,6%) турга эга. Ҳаёт

кечираётган турлар сони бўйича Қизилқум билан Устюрт қуёи Амударё билан жуда яқин. Бу ҳолат Устюртнинг қуёи Амударёнинг кенг ҳудудли воҳасида Қизилқумдан ажралиб туриши билан изоҳланади. Қуёи Амударё шарқда бевосита Қизилқум чўли билан, ғарбда Устюрт текислиги билан у ёки бу томондан турларнинг кириб бориши учун туташиб кетган. Лекин Қизилқум Устюрт билан ўзаро туташмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тарқалган умуртқали ҳайвонлар орасида қушлар алоҳида ўринга эга. Ўрганилган экотизимларда 54 оила ва 19 туркумга оид қушларнинг мавжуд турлари қайд этилди. Қушларнинг энг бой тур хилма хиллиги Қуёи Амударёда (295) қайд этилган бўлиб, иккинчи ўринни шимолий-ғарбий Қизилқум (156 тур), учинчи ўринни эса Устюрт текислиги (130 тур) эгаллайди.

Барча уч ҳудудда (Қизилқум, Устюрт, қуёи Амударё) учрайдиган, биз умумий турлар деб номлаётган турлар сони 83 тани (26,2%) ташкил этади. Бу ҳудуддаги полигенетик алоқани, фаунистик яқинликни кўрсатади. Шу нуқтаи назардан Қизилқум Устюрт билан 29,3% ни ташкил этувчи 93 умумий турни, қуёи Амударё билан 44,5% ни ташкил этувчи 141 умумий турни ташкил этади, бу эса Қизилқумнинг қуёи Амударё билан Устюртга нисбатан ҳайвонот дунёсининг яқин фаунистик алоқада эканлигидан дарак беради. Балки Қизилқум қадимда Устюртга нисбатан Амударё билан зич боғлиқликда бўлгандир.

Рўйхатга олинган қуш турларидан кўпчилигининг ҳаёт тарзи сув ҳавзалари билан боғлиқ. Шу боис Орол денгизи ва Амударёнинг ички дельта кўлларининг қуриши Жанубий Оролбўйи минтақаси қушларининг ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Айрим кўл тизимлари қуриди, қушлар уя қурадиган катта майдонлардаги қамиш ва қўға ўсимликлари йўқ бўлди. Буларнинг барчаси турлар сонига таъсир кўрсатиб, уларнинг кескин қисқариши бошланди, кўпчилик турлар яшаш жойларини бутунлай тарк этди.

Жанубий Оролбўйи табиий комплексидаги қушларнинг тур хилма-хиллиги ва уларнинг келиб-кетиш хусусиятлари учиб ўтувчи турларнинг (76,0%), уяловчилардан (39,7%), қишлаб қолувчилардан (22,1%) ва ўтроқ қуш турларидан (9,1%) устун эканлигини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Жанубий Оролбўйи қушларининг турлар сони ва келиб-кетиш хусусиятлари

Гуруҳлар	Турлар сони	Ўтроқ		Уяловчи		Учиб ўтувчи		Қишлаб қолувчи	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Gaviiformes	2	-	-	-	-	2	0,8	-	-
Podicipediformes	5	-	-	4	3,2	5	2,1	-	-
Pelecaniformes	4	-	-	4	3,2	3	1,2	-	-
Ciconiformes	10	-	-	10	7,9	3	1,2	3	4,3
Phoenicopteriformes	1	-	-	1	0,8	1	0,4	-	-
Anseriformes	28	-	-	9	7,1	28	11,6	11	15,7
Falconiformes	31	3	10,3	13	10,3	25	10,4	14	20,0

2-жадвал давоми

Galliformes	4	2	6,9	1	0,8	1	0,4	2	2,8
Gruiformes	12	-	-	4	3,2	12	5,0	1	1,4
Charadriiformes	60	-	-	19	15,1	56	23,2	5	7,1
Columbiformes	10	3	10,3	5	3,9	4	1,6	1	1,4
Cuculiformes	1	-	-	1	0,8	1	0,4	-	-
Strigiformes	5	3	10,3	2	1,6	1	0,4	1	1,4
Caprimulgiformes	2	-	-	2	1,6	1	0,4	-	-
Apodiformes	2	-	-	2	1,6	1	0,4	-	-
Coraciiformes	4	-	-	4	3,2	2	0,8	-	-
Upupiformes	1	-	-	1	0,8	1	0,4	-	-
Piciformes	3	1	3,4	-	-	2	0,8	-	-
Passeriformes	132	17	58,6	44	34,9	92	38,1	32	45,7
Жами	317	29	9,1	126	39,7	241	76,0	70	22,1

Республика ҳудудида рўйхатга олинган, айтиб ўтилган қуш туркумлари ичида чумчуқсимонлар туркуми жуда кенг тарқалган – 132 тур ёки 41,6%, ржанкасимонлар - 60 (18,9%), лочинсимонлар – 31(9,8%), ғозсимонлар – 28 (8,8%), турнасимонлар – 12 (3,8%), лайлаксимонлар ва каптарсимонларнинг 10 тури (3,1%) қайд этилган. Бу 7 туркум қушларнинг барча турларининг 89,1% ни ташкил этади.

Уя қурувчи қушлар фаунаси орасида ҳам ўша туркумлар устунлик қилади: чумчуқсимонлар (34,9%), ржанкасимонлар (15,1%), лочинсимонлар (10,3), лайлаксимонлар (7,9%). Улардан сўнг ғозсимонлар (7,1%), каптарсимонлар (3,9), кўнғирсимонлар, эшқакоёқлилар, турнасимонлар ва кўкқарғалар (3,2% дан) гуруҳлари туради. Учиб ўтувчи қуш турларининг нисбати тахминан ўша ҳолатда сақланган: чумчуқсимонлар (38,1%), ржанкасимонлар (23,2%), ғозсимонлар (11,6%) ва лочинсимонлар (10,4%) доминантлик қилади. Қишлаб қолувчи қуш турлари орасида чумчуқсимонлар (45,7%), лочинсимонлар (20,0%) ва ғозсимонлар (15,7%) устунликка эга.


Амударё дельтаси қуш турларининг муайян даражада кўплиги антропоген йўл билан пайдо бўлган асосий биотоплар, кўллар ва ўрмонларнинг мавжудлиги ҳамда республиканинг уч саҳро: жанубий-ғарбдан Қорақум ва Устюрт текислиги, жанубий-шарқдан Қизилқум ва шимолдан Устюртнинг гипсли чўл текислигини шимолий-ғарбий Қизилқум билан бирлаштирадиган Оролқумнинг туташган жойида географик жойлашуви билан тушунтирилади. Орнитофаунанинг ҳозирги кўриниши ва гетерогенлиги ҳудуд фаунасининг келиб чиқиши ва геологик ёшига боғлиқ.

Жанубий Орол бўйининг ўрганилган экотизимлардаги сут эмизувчиларининг фауна комплексининг қиёсий таҳлили тур хилма - хиллигининг ўхшашлигини кўрсатади. Биз қайд этган сут эмизувчиларнинг 67 туридан шимолий-ғарбий Қизилқумда 44 тури, қуйи Амударё ва Устюртда 46 тури учрайди (2-расм).

Туркум	Оила	Турлар сони
Insectivora	Erinaceidae	2
	Soricidae	2
Chiroptera	Rhinopophidae	6
	Vespertilionidae	1
Lagomorpha	Leporidae	1
Rodentia	Sciuridae	3
	Huystricidae	1
	Myocastoridae	1
	Dipodidae	13
	Cricodidae	4
	Gerbillidae	4
	Muridae	2
Carnivora	Canidae	4
	Mustelidae	6
	Felidae	8
	Hyaenidae	1
Perissodactyla	Equidae	1
Artiodactyla	Suidae	1
	Cervidae	1
	Bovidae	5

2-расм. Жанубий Оролбўйи сут эмизувчиларининг тур ва таксономик хилма-хиллиги

Тадқиқ этилган экотизимлар бўйича сут эмизувчиларнинг тарқалиш сонининг кўпайиши ёки камайиши бир типда бўлиб, кам учрайдиган турлар устун эканлиги (3-расм), Жанубий Оролбўйи ҳайвонларининг (50-60%) хилма-хиллиги аҳволининг заиф эканлигидан далолат беради.



3-расм. Жанубий Оролбўйи экотизимлари бўйича сут эмизувчиларнинг сони

Диссертациянинг «Жанубий Оролбўйи умуртқали хайвонлари характерли турларининг экологияси» деб номланган учинчи бобида судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчилар айрим турларининг экологик хусусиятлари ёритилган бўлиб, улар тегишли бўлимларда ўз аксини топган.

Бизнинг маълумотларимизга кўра судралиб юрувчилар барча тадқиқ этилган экотизимларда кенг тарқалган ва улар табиий жараёнларда муҳим рол ўйнайди. Масалан, Ўрта Осиё тошбақаси – *Testudo horsfieldi* (Gray, 1844) айниқса Қизилқумнинг бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар, эфемер ва эфемероидлар билан мустаҳкамланган барча тип қумларида кўп сонда учрайди. У Устюртда солиштирма кўп сонда саксовулзорли Жаурун-Қудук, Чурук, Қосбулак, Борса-Келмас, Сам, Матай-Қум сингари жойларда учрайди. Боялыч, кейреук, жувсанли-бюргунлар ўсадиган жойларда у солиштирмали кам учрайди, чинкда ҳам баъзи пайтларда учраб қолади.

Тақир тўгаракбоши – *Phrynocephalus helioscopus* (Pallas, 1771) – Қизилқум чўли, Устюрт ва куйи Амударёнинг каттиқ шўр, тошлок, лой ёки шағалли жойларида яшайдиган типик вакили.

Унинг озуқаси турли хил: қўнғиз ва унинг қуртлари, капалаклар ва ғумбаклар, тангақанотлилар, термитлар, ёғоч каналари, пашшалар, чигирткалар, чумолилар ва ўргимчаклардан иборат.

Жанубий Оролбўйи шароитида тухум қўйиш вақти май ойидан июнь ойигача қайд этилган ва йилига икки марта 3-7 тухумдан қўяди. Қизилқум ва Устюртда яшаш даври 11-12 ойни ташкил этади.

Тақир тўгаракбоши Устюрт худудида кўп сонли ва кенг тарқалган тур бўлиб, Қизилқум ва Амударё дельтасида оддий сонда учрайди. Зарарли ҳашаротларни йўқ қилиб, чўл яйловларига маълум даражада фойда келтиради.

Қум тугаракбоши (*Phrynocephalus interscapularis*) нинг сони кузда кам бўлиб, бу уларнинг фаоллиги билан боғлиқ. Унинг энг кам сони март ва октябрь ойларида кузатилди, соат 15 да 1 км масофада 11 донаси рўйхатга олинди. Қум тугаракбошининг қишки уйқудан туришини биз йилнинг турлича пайтларида кузатдик. Йилнинг об-ҳаво шароитлари билан боғлиқ равишда 2011 йили 30 март куни, 2013 йили 6 апрель куни кузатдик. Қишки уйқуга кетиш даври октябрь ойининг иккинчи ярмида кузатилди.

Бўз эчкемар *Varanus griseus* (Daudin, 1803) – Қизилқумнинг бекинган қумларининг типик вакили. Эчкемарлар қишки уйқудан апрель ойининг биринчи кунларида чиқади. Нариси 3 кг оғирликкача бўлади. Улар ёлғиз қишлайди, кам ҳолларда 3-5 бўлиб қишлаши мумкин. Кўпчилик бўлиб чиқиши апрель ойининг иккинчи ярмида бўлиб, баъзан май ойининг бошларида кузатилади. Уйқудан чиққандан сўнг калтакесаклар соатлаб иссиқ қуёш нурлари остида ётади, бир неча кундан кейин озуқа излашга киришади. Мавсум ва жойи, яшаш муҳитига қараб ёш эчкемарлар кўпинча ҳашаротлар билан озиқланади. Йирик индивидлари баҳор мавсумида кўпгина қўнғизларни, ёзда чигиртка, баъзан сувараклар, чаёнлар, фаланга,

ўргимчаклар, капалак қуртларини ейишади.

Илонлардан Қизилқум, Устюрт, қуйи Амударёда кенг тарқалган қум бўғма илони, тўрт йўлли чипор илон, сувилон, бушилон, қум чархилони кабиларни қайд этдик. Умуман, Жанубий Оролбўйи ҳудудида биз судралиб юрувчиларнинг 33 турини рўйхатга олдик. Уларнинг ўрганилган турларининг популяция миқдори бир хил эмас. Шу кўрсаткич бўйича кўп сонли ва кам учрайдиган турларини кўриб чиқамиз. Сонининг ўзгариши яшаш жойининг шароитлари билан боғлиқ. Ҳамма категориялар сони ўзгаришининг умумий тенденциясини кўпгина омиллар таъсирида ҳайвонлар яшаш муҳитининг ёмонлашуви билан изоҳланади.

Диссертациянинг кейинги бўлимида Жанубий Оролбўйи экотизимлари ҳозирги фаунасидаги қушларнинг экологик хусусиятлари кўриб чиқилади. Шимолий-ғарбий Қизилқум, Устюрт ва қуйи Амударё экотизимидаги йирткич қушлар - сариқ сор, илонхўр бургут, қиронқоранинг экологияси ва тарқалиши масалалари ёритиб берилади.


Қайд этилган қуш турларининг уя қуриш жойлари тадқиқ этилаётган ҳудуднинг барча экотизимларида аниқланган. Уларнинг асосий озуқасини кемирувчилар ва қуёнсимонлар ташкил этади. Ўрганилган йирткич қушларнинг ареали майда сут эмизувчилар ареали билан боғлиқ.

Турли экологик гуруҳлардаги қушларнинг тур хилма-хиллигини сақлашда Судочье кўллар тизимининг муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, биз қушларнинг экологик-фаунистик тадқиқотнинг натижаларини келтирамиз.

Устюрт текислиги чинки ва кўл атрофининг чўл зоналарида итолғи *Falco cherrug*, дашт миққийси *Falco naumanni*, йўрға тувалоқ *Chlamydotis undulata* қушлари яшайди. Шу ерда оқдумли сув бургутнинг *Haliaeetus albicilla* биринчи уяси топилган. Баҳорги ва кузги миграция даврида қошиқбурун *Platalea leucorodia*, қоровой *Plegadis falcinellus*, ҳаққуш *Nycticorax nycticorax*, қарқаралар Ardeidae, жингалак ва пушти сақоқуш *Pelecanus crispus* ва *P.onocrotalus*, кичик ва катта қоровойлар *Phalacrocorax pygmaeus* ва *Ph. carbo*, ғозсимонлар, фламинго *Phoenicopterus roseus*, лойхурақлар (шу жумладан *Numenius* ва *Limosa* оиласи), чўл жиқтоғи *Glareola nordmanni* қушлари кўп сонда учрайди.

Баҳорги-ёзги ва кузги кузатишлар даврида (2014-2015 йй.), биз 15 туркум ва 36 оилага мансуб бўлган 111 қуш турини кузатдик. Агар уларни келиб-кетиш характери бўйича ажратсак, уларнинг 94 тури (84,68%) уя қурувчилар сирасига киради (улар орасида 16 таси – ўтроқ қушлар, яъни 14,4%). Учиб ўтувчи қушларга 17 тур, ёки барча қайд этилган турларнинг 15,32% ни ташкил этади.

Адабиёт маълумотлари ва ўзимизнинг тадқиқотларни таҳлил қилиб, шу ҳулосага келиш мумкин, ҳозирги вақтда Судочье кўллар тизимида 18 туркум ва 48 оилага мансуб 240 қуш тури учрайди: 111 - уя қурувчилар, 22 - қишлоқчилар, 25 - ўтроқ, 82 - тури учиб ўтувчи қушлар ҳисобланиб (4-расм), шулардан 113 - тури гидрофил қушлардир.



4-расм. Судочье кўлида қушларнинг келиб-кетиш характери

Судочье кўлининг шарқий томонида, кичик оролда кам сувли шўр кўлда (N43°38.702' E058°27.087') биз фламингонинг катта уя қурувчи колониясини (23.05.2014 й.) топдик (5-расм).



5-расм. Фламингонинг уя қурувчи колонияси

Бу ерда фламингонинг 7000 индивиди саналди, бу дунё популяциясининг 1,4% ни ташкил этади. Оролда жами бўлиб биз 2985 уя топдик. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бу биринчи марта аниқ рўйхатга олинган ва энг катта фламинго колониясидир. 2594 уяда (86,9%) тухум бўлиб, 391 уя (13,1%) бўш эди. 2570 уяда 1 тухумдан (99,07%), 23 уяда 2

тухумдан (0,9%) ва фақат 1 уяда 3 та тухум бор эди (0,03%).

Тухумлар оқ ва овалъ шаклда (6-расм). Тухумларнинг ўлчамлари (n=28): 83.0-96.2x51.5-59.3, ўртача 89.4x55.3 мм, қўйилган тухумнинг оғирлиги 129.7-159.6 гр., ўртача 144.7 гр.



6-расм. Фламинго қушининг уялари ва тухумлари

Кейинги бўлим сут эмизувчиларнинг характерли турларининг экологик хусусиятларига бағишланган. Бизнинг маълумотларимизга кўра, 23 тур Жанубий Оролбўйи сут эмизувчилари характерли турига мансуб. Улардан, куёнсимонлар 1 тур (*Lepus tolai*), кемирувчилар - 9, йиртқичлар - 7, тоқтуёқлилар - 1 (*Equus hemionus*), жуфт туёқлилардан 5 тур берилган.

Антропоген келиб чиқиш комплекс омиллари билан боғлиқ, асосан Орол экологик ҳалокати таъсирида турларнинг тарқалиши, популяция сони, озикланиш характери, кўпайиши ва мавсумий ўзгаришлари бўйича янги маълумотлар ёритилган.

Орол денгизининг қуриши иқлимни қайталанмас ўзгаришларга олиб келиб (ҳарорат режими, ёғин-сочин миқдори, ҳаво ва тупроқ намлиги), ёввойи сут эмизувчиларнинг ем-хашаги бўлган чўл ўсимликларининг вегетация ва ҳосилдорлигига салбий таъсир ўтказди, бунинг натижасида уларнинг биопотенциали ва сонининг ўзгаришига олиб келди.

Ҳудуддаги қушлар ва сут эмизувчилар популяцияси ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда Орол экологик ҳалокати ва антропоген трансформацияси биогеоценознинг бузилиши, уларнинг айрим компонентларини ўзгартирадиган, шу жумладан, ҳайвонот оламини ўзгаришларга олиб келадиган омил ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Табиий муҳитнинг антропоген трансформацияси ва Жанубий Оролбўйи қуруқлик умуртқали ҳайвонларини сақлаб қолиш муаммолари**» деб номланган тўртинчи бобида ўрганилаётган ҳайвонлар гуруҳи яшаш муҳитининг ўзгаришини қиёсий таҳлил қилиш натижаси берилади.

Ҳаммага маълумки, бу жараёнлар чўлларнинг кенг тус олиши, иқлим ўзгариши, техноген таъсирлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ерларининг ўзлаштирилиши сабабли юзага келган.

Бу жараёнларнинг барчаси Жанубий Орол бўйидаги Орол денгизининг қуриши натижасида қирғоқидан 100 км дан узоқ тортилиб кетип чигал вазиятларни юзага келтирмоқда. Кўрсатилган омиллар, тупроқ қатламининг емирилишига, уларнинг натижалари акс таъсирини кўрсатиб, Жанубий Оролбўйи табиат комплексида салбий оқибатларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

